**Россия худудида ОИВ инфекциясининг ҳуқуқий асослари**

Россия Федерациясининг 2002 йил 25 июлдаги 115-ФЗ – сонли "О правовом положении иностранных граждан в Российской Федерации» номли қонунига биноан, чет эл фуқаролари гиёҳванд бўлса ёки одам иммунтанқислиги вируси чақирувчи касаллиги (ОИВ инфекцияси) йўқлиги ҳақида сертификати бўлмаса, ёки атрофдагиларга хавф туғдирувчи юқумли касалликларга чалинган бўлса, вақтинча яшаш ёки ишлашга рухсатнома, доимий яшаш учун даъвогарлик ҳужжатлари берилмайди, берилган ушбу ҳужжатлар эса бекор қилинади. Бундай касалликларнинг рўйхати ва уларнинг мавжуд ёки йўқлигини аниқлаш тартиби Россия Федерацияси ҳукумати томонидан тасдиқланади.

Сертификатни ишлаш учун рухсатнома олингандан бошлаб, 30 кун давомида олиш ва Россия Моддий Рағбатлантириш Фондига (ФМС) ёки унинг ҳудудий бўлимларига тақдим этилиши шарт.

ОИВ инфекцияси ёки бошқа юқумли касалликларга текшириш учун анализларни ОИТС марказига ёки бошқа тиббиёт муассасаларига топшириш мумкин.

Чет эл фуқаролари учун бундай хизматлар пуллик асосда амалга оширилади.

**ОИТС марказининг манзили ва ишонч телефонининг рақамлари:**

**ГО г. Уфа, ул. Цюрупы, 86,**
**телефон: 250-04-72**



Материалы разработаны при содействии Региональной общественной организации специалистов по профилактике и борьбе с распространением инфекционных заболеваний Республики Башкортостан «Движение»



Государственное бюджетное учреждение здравоохранения Республиканский центр по профилактике и борьбе со СПИДом и инфекционными заболеваниями
ГО г. Уфа, ул. Цюрупы, 86, по телефон доверия: 250-04-72
официальный сайт www.ufaaids.bashmed.ru



# ОИВ ва ОИТС



Меҳнат мигрантлари учун маълумот

## Миграция – бу ҳам меҳнат, ҳам фаровонлик йўлидаги хавфли омилдир. Сиз учун янги бўлган шароитда ўз соғлиғингизни сақлаш учун, қуйидаги буклет диққатингизга ҳавола қилинади.

### ОИВ ва ОИТС – нима?

ОИВ – бу "Одам Иммунтанқислиги Вируси" номининг қисқартирилганидир.

**О (одам)** – яъни бу вирус фақат одамларни зарарлайди.
**И (иммунтанқислик)** – бу одам организмининг баъзи касалликларга қарши курашиш қобилиятини сусайишига олиб келувчи, организм иммун (ҳимоя) тизими фаолиятининг издан чиқишидир.
**В (вирус)** – тирик организм ҳужайраларининг ичида кўпайиш қобилиятига эга бўлган микроорганизмдир.

ОИТС – бу "Орттирилган Иммун Танқислик Синдроми" номининг қисқартирилганидир.

**О (орттирилган)** – туғма эмас, балки инсон умри давомида орттирган касаллик.
**И (иммун)** – инсонни турли касаллик чақирувчи бактерия, вирус ва замбуруғлардан ҳимоя қилиш вазифасини бажарувчи иммун тизимига тегишли.
**Т (танқислик)** – бирор нарсанинг етишмовчилиги (бу ерда – ҳимоя фаолиятининг).
**С (синдром)** – касалликка хос бўлган турли белги ва симптомларнинг тўплами, чунки ОИТСдан азият чекувчи инсон бир вақтнинг ўзида турли касаллик ва қўшимча инфекцияларга чалиниши мумкин.

Демак, ОИВ – бу инсонларни зарарлайдиган вирус, ОИТС эса – ОИВни юқтириб олган беморда ривожланиши мумкин бўлган касалликдир.

### ОИВ қандай юқади?

**ОИВ инфекциясининг юқиш йўли учта:**

- **Жинсий йўл** – ҳимоясиз (презервативдан фойдаланмаган ҳолда) жинсий алоқага киришиш.
- **Вирус сақлаган қоннинг одам организмига тушиши** – кўпинча гиёҳванд моддаларни игна орқали қабул қилиш учун ностерил (ишлатилган) шприцлардан фойдаланилганда содир бўлади.
- **Касалликни онадан болага юқиши** – ОИВ юқтириб олган аёлнинг боласига касалликнинг ҳомиладорлик, туғуруқ ёки эмизиш даврида юқиши.

**ОИВ инфекция маиший шароитда қуйидаги ҳолларда юқмайди:** ўпишиб ёки қўл бериб кўришганда, жамоа бўлиб спорт билан шуғулланганда, бассейнда чўмилганда, умумий идиш товоқ, сочиқ, кийим–кечакдан фойдаланганда, ҳашаротлар чаққанда.
Сўлакда, кўз ёши ва пешобда вируснинг сони жуда кам бўлгани сабабли бу суюқликлар орқали ҳам вирус юқмайди.

### ОИВ инфекциясини аниқлаш

Одамнинг ташқи кўринишидан ОИВ билан зарарлангани ёки йўқлигини аниқлаб бўлмайди.
ОИВ инфекцияси юққанини аниқлашнинг асосий усули - вирусга қарши акстаначалар борлигини қонда аниқлашдан иборат.
Бундай акстаначалар касаллик юққандан кейин бир қанча вақтдан кейин (кўпинча 3 ойдан кейин) пайдо бўлади.
Акстаначаларнинг мавжудлигини текшириш учун тиббий муассасада вена қон томиридан маълум миқдорда қон олинади.
Касалликнинг бошланишида одам ўзида касалликнинг ҳеч қандай белгиларини ҳис қилмаслиги мумкин.
Шунинг учун, қачондир ностерил (ишлатилган) шприцда гиёҳванд модда истеъмол қилган бўлсангиз, ёки ҳимоя воситасисиз жинсий алоқага киришган бўлсангиз, қонингизни ОИВ инфекцияга текширтиришингиз зарур.
ОИВ инфекцияга текширтириш учун ОИТС марказлари ёки бошқа тиббий муассасаларига мурожаат қилишингиз мумкин.
Аноним хонада ўз исмини маълум қилмасдан текширтириш мумкин.

### ОИВ юқтириб олиш хавфини қандай камайтириш мумкин?

ОИВ инфекциясининг жинсий алоқа орқали юқмаслигини фақат жинсий алоқалардан воз кечиш ёки касалланмаган жинсий шерикларнинг ўзаро вафодорлиги кафолатлайди.
Бундан ташқари жинсий алоқа вақтида презервативдан фойдаланиш ҳам касаллик юқиш хавфини анча камайтиради.
Касаллик юқишининг бошқа йўлларини олдини олиш учун бегона қон билан алоқага йўл қўймаслик зарур.
Шунинг учун:

- Имкон қадар жинсий шеригингизга вафодор бўлинг ёки жинсий шерикларингиз сонини камайтиринг;
- Ҳар сафар жинсий алоқа вақтида презервативдан фойдаланинг;
- Фақат ўзингизнинг шахсий соқолтарош, тиш чўткаси ва шу каби гигиена воситаларингиздан фойдаланинг;
- Қулоқ тешдирмоқчи ёки татуировка қилдирмоқчи бўлсангиз, фақат стерил асбоблардан фойдаланинг;
- Инъекция (укол) олмоқчи бўлсангиз, фақат бир марталик ёки зарарсизлантирилган шприцдан фойдаланинг;
- Фарзанд кўришни режалаштирганингизда ёки ҳомиладорлик вақтида имкон қадар эртароқ текширтириш учун ОИТС маркази ёки бошқа тиббий муассасага мурожаат қилинг. ОИВ инфекцияси аниқланган тақдирда замонавий дори дармонлар ёрдамида ҳомиланинг касалланиш хавфини камайтириш мумкин.

### ОИВ инфекциясини даволаш

Ҳозирги замон тиббиёт илми касалланган инсон организмидан вирусни бутунлай йўқотишга қодир эмас.
Лекин, ҳозирги дори дармонлар касалликнинг ривожланишини тўхтатиб, беморларнинг аҳволини анча яхшилаши ва умрини бир неча ўн йилларгача узайтириши мумкин.
ОИВ инфекцияси ва ОИТСни даволашда дорининг қабул қилиниш тартибига риоя қилиш жуда аҳамиятлидир, чунки дориларни ичилмай қолиши даволаниш кучини кескин камайтиради.
Ўзингизда ОИВ инфекцияси аниқланган тақдирда, Ватанингизга қайтгандан кейин даволаниш учун кўрсатмаларни аниқлаш ва яқинларингизга касалликнинг юқиш хавфини камайтириш мақсадида ОИТС маркази ёки юқумли касалликлар шифохонасига маслаҳат учун мурожаат қилишингиз зарур.







